

ХОТИН – ҚИЗЛАР СИЁСИЙ ИЖТИМОИЙЛАШУВИ ВА ФАОЛЛИГИНИ ОШИРИШДА ОАВ НИНГ ЎРНИ

Эргашева Махсуда Пўлатовна

Маълумки, биз яшаётган XX аср инсоният учун улкан ўзгаришлар олиб келган глобализация жараёнлари билан бир қаторда кенг илмий-техник кашфиётлар ва умумий ҳаёт тарзининг кескин ўзгарганлиги билан алоҳида ўрин тутмоқда. Бугунги кунда, Ўзбекистонда хотин-қизлар ҳуқуқлариига оид жуда кўплаб қонун ва ҳужжатлар, Президент фармонлари, Вазирлар маҳкамаси қарорлари қабул қилиниб, улар амалга оширилиб келинмоқда. Ўзбекистон республикаси конституциясининг 46-моддасида “хотин – қизлар ва эркаклар teng ҳуқуқлидирлар”¹ деб қонуний белгилаб қўйилган. Давримизнинг энг муҳим воқеиликлари ичida аёлларнинг эркаклар билан бир қаторга чиққанлиги, хотин-қизларга нисбатан қарашларнинг тубдан ўзгарганлиги ва эндиликда нафақат оилавий ҳаётда, балки давлат ва жамият ҳаётида ҳам аёллар ва эркакларнинг мақоми тенглашганлигини алоҳида таъкидлаш лозим.

Хотин-қизларнинг сиёсий фаоллигини акс эттирадиган оммавий ахборот воситаларида хотин-қизлар муаммолари, уларнинг ечими, мамлакат сиёсий ҳаётида фаолият юритаётган аёллар ҳақидаги маълумотлар чекка ва узоқ ҳудудларда истиқомат қилаётган хотин-қизларга тўлиқ етиб бормаётганлиги, шунингдек, улар томонидан бу соҳада етарлича ташаббуслар ҳам кўрсатилмаётганлиги кўзга ташланмоқда. Бу ҳолат эса ўз-ўзидан хотин-қизлар учун вактдан ютқизиш, етарлича сиёсий фаоллик намоён қила олмаслик каби ҳолатларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда. Албатта, ахборотга эга бўлиш ва уни “ҳазм қилиш” борасидаги бундай ҳолат мамлакатимиз хотин-қизларининг самарали фаолият олиб боришига тўсқинлик қилаётган омиллардан бири бўлиб қолмоқда.

¹Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Тошкент: Ўзбекистон, 2009

Мазкур соҳада қилинаётган ижобий ишлар ҳақидаги мулоҳазаларимизни давом эттирайлик. Бугунги кунда хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигига туртки берадиган тадбирлар оз эмас. Уларнинг орасида мамлакат раҳбари Ислом Каримов ташабbusи билан ҳар йили ўтказиб келинадиган “Ташабbus” кўрик танловлари, шунингдек, Республика Форум жамғармаси томонидан ўтказиладиган турли тадбирлар, Республикамиздаги истеъоддли ёшларнинг ижтимоий фаоллигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий истиқлол ғоялари ва маданий-маърифий қадриятларни ҳаётга татбиқ этишдаги ибратли фаолиятини рағбатлантиришда алоҳида ўринга эга бўлди. Баркамол хотин-қизлар авлодини вояга етказиш ҳамда мамлакат Президентининг “Зулфия номидаги Давлат мукофотини таъсис этиш бўйича таклифларни қўллаб-қувватлаш тўғрисида”ги 1999 йил 10 июндаги ПФ-2326-сон Фармони ижроси бўйича сезиларли ишлар амалга оширилди.

Президентимиз ташабbusи билан 2000 йилда истеъоддли ёшларнинг жамиятимиз маънавий ҳаётини юксалтиришдаги ўрни ва аҳамиятини инобатга олиб, мусиқа, матн ва ижро маҳорати билан кишилар қалбига йўл топа оладиган, эзгуликка чорловчи, иродада ва имон-эътиқодни мустаҳкамлашга хизмат қиласидиган асарлар яратишда фаоллик қўрсатаётган иқтидорли ёшларни рағбатлантириш мақсадида “Нихол” мукофоти таъсис этилиб, бу йўналишдаги ишлар жонланди. Бундай ташабbus ва ҳаракатлардан жамоат ташкилотлари, сиёсий партиялар ҳам четда турганлари йўқ. Хусусан, “Миллий Тикланиш” демократик партияси томонидан ташкил қилинадиган “Энг фаол сиёsatчи аёл” конкурслари, бошқа сиёсий партияларнинг аёллар қанотлари ташабbusи билан даврий равишда ташкил қилинаётган анжуманлар жадаллик билан олиб борилмоқда.

Хотин-қизлар учун яратилаётган бундай имкониятлар ва олиб борилаётган ишлар яқин тарихдаги вазият билан солиштириб бўлмаслигини ҳисобга олсақ, мавжуд ҳолат кўз олдимизда янада ёрқинроқ намоён бўлади. Ахборот омилини эса ўша давр билан қиёслашнинг иложи ҳам йўқ. Чунки,

бугунги ахборот асридаги вужудга келган шарт-шароитлар хотин-қизларнинг сиёсий ижтимоийлашувининг жадаллик билан юз бериши учун кафолатдир.

Хўш, бундай имкониятлардан хотин-қизларнинг фойдалана олишлари учун нима қилиш зарур?

Биринчидан, хотин-қизларни худудий жиҳатдан кенг қамровли ахборот билан сифатли таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бугунги кунда “сариқ матбуот”нинг нималарга “қодирлигини” яхши биламиз. Мамлакатда олиб борилаётган сиёсий ўзгаришлар ва ислоҳотлардан хотин-қизларни кўпроқ боҳабар қиласиган сиёсий мавзуларни ёритишга қаратилган матбуот ва ахборот воситаларининг мамлакатнинг барча худудларигача етиб бормаётганлиги, шунингдек, етиб борган ахборотнинг хотин-қизлар томонидан ўзлаштирилиши масалалари ҳам қийинлиги, уларнинг алоҳида тарғиб ва ташвиқ қилинмаслиги каби ҳолатлар бугунги кунда ҳеч биримизга сир эмас. Шу нуқтаи-назардан ҳам, аввало, аҳолининг сифатли ахборот билан таъминланиши масалаларига жиддий эътибор бериш зарур.

Иккинчидан, долзарб масалаларнинг, мавзуларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги баъзи бир камчиликларни бартараф этиш ҳам муҳим вазифалардан биридир. Гап шундаки, хотин-қизларнинг ахборотга, воқеликларга ёндашишида, аввало, уни қизиқарли тарзда тайёрлаш, “ахборот истеъмолчиси” ҳисобланган хотин-қизларнинг сиёсий савиясини ошириш борасидаги материалларни имкон қадар кўпроқ ёритиш, барча матбуотларга бугунги кундаги “ўзига хослик” ҳисобланган ўхшашликларни улар фаолиятидан бартараф этиш ахборот сиёсатининг муҳим йўналишларидан бирига айланмоғи лозим. Мисол учун, бирор бир газетада босилган хабар, бошқа партиявий ва ҳукумат газеталарида ҳам босилади. Бунда партиявий ёндашувлар ёки партиянинг ўз позицияси ҳам акс этиши, хотин-қизларнинг бу масалага ёндашуви ҳам муҳим ўрин тутади. Бу борада партиявий нашрларнинг янада фаолроқ бўлиши талаб этилади. Чунки сиёсий ижтимоийлашувнинг асосий институтларидан бўлган сиёсий партиялар

бевосита хотин-қизлар фаоллигини оширишдаги энг муҳим омиллардан бўлиш билан бирга, уларни ўз электоратининг бир қисми сифатида кўриши ҳамда уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш борасида кўплаб вазифаларни амалга ошириши зарур. Сиёсий партияларнинг бу вазифаларини бажаришдаги ишларининг бир қисми айнан улар матбуотининг зиммасига юклатилади.

Учинчидан, матбуот соҳаси ходимларининг касбий маҳоратини ошириш зарур. Хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини оширишга хизмат қиласиган материалларни яратиш, уларни “истеъмолчилар”га етказиб беришда, аввало, мавзуни танлай билиш, масаланинг нечоғли долзарблигини аниқлаш, унинг ижтимоий-сиёсий аҳамиятини англаш, хотин-қизларнинг фаоллигини ўзида нечоғли акс эттиришини олдиндан кўра билиш ва энг муҳими, мамлакатда олиб борилаётган сиёсатни тушуниш каби заруриятларни журналист профессионал тарзда ёрита оладиган бўлиши замон талабидир. Шу ўринда оммавий ахборот воситаларида “Аёл-тадбиркор”, “Аёл-раҳбар”, “Аёл-сиёсатчи” каби мавзуларда туркум мақолаларни бериб бориш мақсадга мувофиқдир.

Тўртингидан, мамлакатимизда ахборотни ўрганиш ва уни таҳлил қилиш борасида мониторинглар ўтказишни янада кучайтириш ва унда мавзуларнинг бугунги ҳаётга нечоғли мослигини, амалий аҳамиятини ва натижаларини доимий равища ўрганиб борадиган фаолиятни йўлга кўйиш масаласи ниҳоятда муҳим. Чунки, хотин-қизларнинг сиёсий савиясини ўрганиш, оммавий ахборот воситалари таъсирини ва самарадорлигини таҳлил қилиш, бу борада социологик таҳлиллар олиб бориш масаласи ахборот даврида энг катта натижа берадиган омиллардан ҳисобланади. Мисол учун, хотин-қизлар ҳаёти ва фаолиятига оид мавзулар, уларнинг сиёсатга қизиқиши ва сиёсий билимдонлиги, бу ҳолатнинг зарурлиги ва бошқа кўплаб қизиқарли мақолалар, таҳлилий материаллар босиладиган матбуотнинг бозори чаққон бўлиши билан бир қаторда кутилган натижани бериши мумкин. Газета ёки журналнинг сотилиши ёки обунасига қараб ҳам

қайси мавзулар кўпроқ қизиқарли ёки матбуотнинг рейтинги қандай даражада эканлигини аниqlаш мумкин. Бундай мониторингнинг олиб борилиши эса биринчи галда сиёсий муаммоларни бартараф этиш билан бирга, матбуотнинг маркетингига ҳам ўзига хос тарзда ижобий таъсир кўрсатади. Ахборотга талаб бўйича мониторинглар юритилмаслиги, бу соҳада муаммоларнинг юзага келишига ҳамда журналистиканинг сифатли фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши мумкин.

Бешинчидан, бугунги кунда қишлоқларда сиёсий хабарларни тарқатадиган “Халқ сўзи”, “Правда Востока”, “Ўзбекистон овози”, “XXI аср”, “Миллий Тикланиш”, “Адолат”, “Моҳият”, “Туркистон”, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати”, “Маърифат”, “Ишонч” ва бошқа газеталарнинг таъсирини ошириш борасида таъсирчан ишлар амалга оширилмаётганлиги, шунингдек, Интернет тармоғининг аёллар учун фойдаланиш имкониятининг камлиги, ТВ ва FM тўлқинларининг чет ҳудудлардаги хотин-қизлар томонидан кўпроқ қабул қилинишига эҳтиёжнинг ошиб бормаётганлиги ҳам жиддий муаммодир.

Олтинчидан, хотин-қизлар томонидан ахборот олишда ҳанузгача кўча-кўйдаги турли миш-мишларнинг асосий информацион манба бўлиб қолаётганлиги, кўпчилик ҳолларда уларнинг расмий хабарлардан кўра турли гап-сўзларни маъқул кўриши, гарчи ёлғонлигини билсаларда, ушбу гап-сўзларга ишонишлари ҳам ахборот борасида ҳали менталитет томондан ҳам камчиликлар кўзга ташланишини, бу борада тарбиявий ишларни кучайтириш лозимлигини англатади.

Хулоса тарзида айтиш мумкинки, бугунги кунда хотин-қизлар сиёсий фаоллигини ошириш масалалари энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда. Бу ҳақда Президент И.А.Каримов шундай дейди: “Бутун маърифий дунёда хотин-қизлар манфаати деган алоҳида масала бор ва уни ўрганиш, ечимини топишга жуда катта аҳамият беришимиз бежиз эмас. Агар аёлларга

естарли эътибор берилмаса, бундай жамиятнинг келажаги йўқ.”² Бу борада давлат сиёсатига ҳамоҳанг равишда жамият томонидан ҳам турли самарали ишларнинг амалга оширилаётганлигининг гувоҳи бўлиб турибмиз. Бинобарин, энг муҳим институтлардан саналган Оммавий ахборот воситаларининг хотин-қизлар сиёсий ижтимоийлашуви ва фаоллигини оширишдаги ўрни ва роли беқиёсdir. Чунки оммавий ахборот воситалари хотин-қизлар ижтимоий сиёсий фаоллигини ошириш ва уларнинг сиёсий ижтимоийлашуvida қўйидаги муҳим функцияларни бажаради:

- хотин-қизларнинг камолотида муҳим ўрин тутадиган ахборот билан таъминлаш;
- сиёсий мавзудаги, шунингдек, сиёсий вазиятни баҳолаш юзасидан кўникмаларга эга бўлиш;
- лидерлик сифатларини намоён қилиши, шунингдек, жамиятдаги у ёки бу масала юзасидан ўз фикрини эркин билдириш ва билиб олиш;
- сиёсий ҳаётга кириб келиш ва ўзини кўрсата олиш.

Бу борада мамлакатимизда кўплаб ишлар амалга оширилишига қарамасдан, ахборотнинг, оммавий ахборот воситаларининг хотин-қизлар сиёсий фаоллиги ошишида баъзи бир муаммоларнинг ҳам сақланиб қолаётганлигини кўришимиз мумкин.

Хотин-қизларни ахборот билан сифатли таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратиш вазифалари долзарблигича қолмоқда. Долзарб масалаларнинг, мавзуларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилишидаги баъзи бир камчиликлар ҳам мавжуд бўлиб, бу ҳолат хотин-қизларнинг ўз вақтида сифатли ахборот билан таъминланишига салбий таъсир кўрсатмоқда. Мамлакатимизда ахборотни ўрганиш ва уни таҳлил қилиш борасида мониторинглар ўтказишни янада кучайтириш шу маънода муҳим аҳамият касб этади.

² Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч – қудратимизга, ҳамжихатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Асарлар тўплами. 12-жилд. Тошкент: Ўзбекистон, 2004